

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.F.72.08.
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВА ОЙГУЛ ТУРСУНОВНА

**АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ
ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

УДК1(091)28-335-Ғиждувоний

**Ған доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление
автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract
of the doctor of sciences (DSc)**

Шарипова Ойгул Турсуновна Абдухолик Ғиждувоний маънавий меросининг фалсафий таҳлили.....	3
Шарипова Ойгул Турсуновна Философский анализ духовного наследия Абдухалика Ғиждувани	31
Sharipova Oygul Tursunovna Philosophical analysis of the spiritual heritage of Abdukhalik Gijduvani	57
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	63

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.F.72.08.
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВА ОЙГУЛ ТУРСУНОВНА

**АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ
ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.DSc/Fal118 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи

Наврўзова Гулчехра Нейматовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Махмудова Гули Тилабовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Каримов Сойимназар Каримович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Сафарова Нигора Олимовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил “23” ноябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (204 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил “9” ноябрь куни тарқатилди.
(2022 йил “9” ноябрьдаги 28 рақамли реестр баённомаси.)



Саломова Ҳ. Ю.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шарипов А.З.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори, доцент

Шодмонов Қ.Б

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа фанлари доктори (DSc)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув ва ахборот хуружлари турли бузғунчи ғоялар таъсирида миллий ўзлик ва маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва хатарларни тобора кучайтирмоқда. Худбинлик, ўзини ўйлаш, ҳаёт, меҳнат, оилага енгил қараш, истеъмоличлик кайфияти каби иллатлар турли йўллар билан ёшлар онгига сингдирилаётган ҳозирги даврда инсониятнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириш, халқаро маданий трансформация жараёнини меъёрлаштириш, умуминсоний тамойил ва қадриятларга содиқликни юксак даражага кўтариш ва янгича маънавий қадриятлар тизимини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан Абдуҳолик Ғиждувоний маънавий меросининг комил инсонни тарбиялашдаги роли, шахс ва жамият трансформациялашувидаги ўрни, барқарор турмуш тарзини таъминлашдаги фалсафий аҳамиятини очиқ бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида тасаввуф илмининг инсон баркамоллигига таъсири, “маънавий қашшоқлик” каби умумбашарий характерга эга бўлган кемтикликларга қарши курашиш, Шарқ маънавий меросини ҳозирги давр ижтимоий-сиёсий воқелиги билан синтезлашга оид фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тасаввуф таълимотида илгари сурилган асосий муаммоларни тадқиқ этиш асосида умуминсоний маданиятлар контекстида консенсус ва бағрикенглик каби тамойилларнинг илмий асосларини очиқ бериш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу маънода Абдуҳолик Ғиждувоний меросидаги рубоийларнинг мазмун-моҳияти, тасаввуф мақомлари, қалб поклиги, руҳий комиллик, ўзликни англаш, ўзаро тотувлик, муросаю мадорада яшашга оид ғояларининг маърифий жамият барпо этишдаги аҳамиятини тадқиқ этиш зарурати тобора ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда ёш авлод интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, буюк аллома ва мутафаккирларнинг маънавий мероси асосида халқпарвар давлатни барпо этишга оид ислохотлар олиб борилмоқда. “Абдуҳолик Ғиждувоний мазкур етти пирнинг биринчиси саналиб, Хожагон тариқати асосчисидир. Кейинчалик Ориф Ревгарий, Маҳмуд Фағнавий, Али Ромитаний, Муҳаммад Бобои Самосий, Саййид Амир Кулол бу маънавий йўналишни давом эттириб, Баҳоуддин Нақшбанд уни юксак босқичга олиб чиққан. ... Бундай маънавий хазина бошқа ҳеч қаерда йўқ. Бу хазинани мукамал ўрганиш, одамларга, ёшларга осон тилда етказиш керак. Мақсадимиз - ёшларимиз ўзимизнинг алломаларга эргашсин, меросини билсин, улар билан фахрлансин”¹. Айниқса, янги маънавий маконни барпо этишда Хожагон таълимоти билан инсонни руҳий баркамолликка чорлаш, маънавий жиҳатдан юксалтириш каби дунёвий илмларнинг уйғунлигини илмий асослаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

¹ Шавкат Мирзиёев: Абдуҳолик Ғиждувоний мажмуаси маърифат маркази бўлиши керак / 29.03.2019. <https://president.uz/uz/lists/view/2462>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда 2017 йил 11 июлдаги Ф-4988-сон “Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Бахоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида” фармойиши, шунингдек соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Хорижда Шарқ тасаввуфий тариқатлари, хожагон-нақшбандия таълимоти ва Абдухолиқ Ғиждувонийнинг тасаввуфий, ирфоний, ахлоқий таълимоти кенг тадқиқ этилмоқда. Бунда германиялик шарқшунос олима Аннемари Шиммелнинг “Ислом оламининг тасаввуфий таълимоти”, россиялик шарқшунос Алексей Хисматулиннинг “Сўфийлар ҳикмати” каби асарлари яққол мисол бўла олади. Россияда В. Бартольд ва О. Акимовкин, Эронда тасаввуфшунос А. Зарринқўб, турк тадқиқотчилари У. Турар ва Ҳ. Йилмаз, ҳинд тасаввуфшуноси Ж. Субҳон асарларида хожагон-нақшбандия тариқати ва таълимоти тарихий, маданий, фалсафий ва филологик нуқтаи назардан таҳлил этилган. Парижда нашр этилган “Studia Islamica” (1976) тўплами, Туркияда нашр этилган “Нақшбандия. Мусулмон сўфийлик тариқатининг тарихий ривожланиши ва ҳозирги ҳолати” тўпламлари юксак илмий эътирофга лойиқдир.

Шарқ мутафаккирларининг тасаввуфий-фалсафий ғояларини фалсафий тафаккур тараққиётига таъсири масалалари дунёнинг етакчи илмий

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.en.hs-furtwangen.de>; <https://www.en.uni-muenchen.de>; <https://www.univ-lille.fr>; <https://www.lse.edu>; <https://www.umich.edu>; <https://www.doshisha.ac.jp>; <https://www.utoronto.edu>; <https://www.cbu.ca>; <https://www.unn.ru>; <http://library.fes.de/>; <https://www.ritsumei.ac.jp/> ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

марказларида жумладан, The Islamic Madhahib University (Техрон), Columbia college Columbia university in the city of New York (АҚШ), Yale university (АҚШ), Санкт-Петербург шарқ кўлёмалар институти томонидан тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Абдуҳолик Ғиждувоний таълимотининг фалсафий тафаккури ривожигаги ўрнини аниқлаш масалалари Янги Дехлида нашр этилган “Confluence of cultures” тўпламида, Берлинда чоп этилган “Россия ва Марказий Осиёда XVIII асрдан то XX аср бошларигача мусулмон маданияти” номли тўпламда шунингдек, Санкт-Петербургда нашр этилган “Марказий Осиёда тасаввуф (чет эл тадқиқотлари)” номли мақолалар тўплами хожагон-нақшбандия тариқатига доир муҳим тадқиқотларни ўз ичига олади. Тожик олими А. Муҳаммадхўжаев ўзининг “Нақшбандийлик мафкураси” номли монографик тадқиқотида хожагон-нақшбандия таълимотининг шаклланиши ва тараққиётини таҳлил қилган.

Хожагон-нақшбандия тариқатини ўрганишга бўлган қизиқишлар кейинги йилларда тобора ортиб бормоқда. Жаҳонда Абдуҳолик Ғиждувоний маънавий меросини ўрганиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: мусулмон сўфийлик тариқатининг тарихий ривожланиши ва ҳозирги ҳолати; хожагон-нақшбандия таълимотининг вужудга келиши ва тадрижий тараққиёти; хожагон-нақшбандия тариқати рашҳаларининг шаклланиши жараёни; мутафаккирнинг муайян асарларига доир тадқиқотлар; таржималарига шарҳлар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда тасаввуф таълимотининг мазмун-моҳияти, фалсафий таҳлилин амалга оширишда А. Кныш, Дж. Тримингэм тадқиқотлари муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади. Тариқатлар тарихи, ривожланиш географияси хусусида Муҳаммад Дорошукх, Усмон Турар каби олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар Хожагон таълимотининг генезисини очиб беришда муҳим аҳамият касб этган. А. Шиммель, М. Ҳотамий тадқиқотларида тасаввуфнинг ирфоний, диний-фалсафий моҳиятига эътибор қаратилган бўлиб, маълум даражада мавзу доирасидаги мазкур масалаларга оид жиҳатлар ёритилган³. Муҳаммаджавод Умидворниё, Самона Ҳажорпур Халаж, Ялдо Озрамий, Акбар Рошидийниё ва Марзия Роғибиёнларнинг тадқиқотларида хожагон-нақшбандия тариқатининг вужудга келиши ва тарқалиши, ушбу тариқат таълимотининг айрим жиҳатлари ҳақида фикрлар билдирилган⁴.

³Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. – Москва, С.П.: Диля, 2004; Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе / пер. с англ. А.А. Ставиской, под ред. и предисл. О.Ф. Акимовской. – М.: «София», ИД «Гелиос», 2002. – С. 90–91.; Султон Муҳаммад Дорошукх. Сафинат ал-авлиё (на перс. яз.). Тошбосма нашр. – Лахнаув: Мунший Навал Кишур матбааси, 1862. – С. 76.; Турар Усмон. Тасаввуф тарихи [История суфизма]. – Т.: «Истиклол», 1999. – 180 б; Шиммель А. Мир исламского мистицизма / пер. с англ. Н. И. Пригариной, А. С. Рапо порт. 2-е изд., испр. и доп. -М.: ООО «Садра», 2012; Хотамий С.М. Ислом тафаккури тарихидан. – Тошкент: Минҳож, 2003.

⁴ Умидворниё, Муҳаммаджавод. Нақшбандийлик ва унинг Марказий Осиё ва Хитойдаги таъсири (форс тилида) // Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари. – Техрон. 1373/1994. кузи, №6. – Б.78-86.; Самона Ҳажорпур Халаж. Нақшбандиянинг пайдо бўлган пайтидан то Темурийлар ҳукмронлигигача бўлган даврдаги тараққиётлари ва таназзуллари. 2014 йил 6 июнь. (форс тилида) // <http://rasekhoon.net/article/show/904502>; Ялдо Озрамий, Нажаф Жавкор. Ҳижрий XII–XIII асрларда Мовароуннаҳрдаги нақшбандия сўфийлик дарахтининг йўқолган шохини излаб (форс тилида) // Форсий адабиёт. -№2 (119). 1396/2017. кузи ва киши.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида В. Бартольд, Е. Бертельс, М. Степанянц, О. Акимускин, А. Хисматулин томонидан олиб борилган тадқиқотлар Абдулхолик Ғиждувоний илмий меросининг тасаввуф таълимотида тутган ўрнини очиб беришда тарихий аҳамият касб этган⁵.

Мамлакатимизда И. Мўминов, М. Болтаев, Н. Комилов, Р. Шодиев, Қ. Назаров, Г. Наврўзова, С. Каримов, Ҳ. Саломова, Б. Намозов, Н. Сафарова, Х. Рахматова, Г. Юнусова илмий ишлари тасаввуф таълимотининг фалсафий хусусиятлари, Хожагон-Нақшбандия тариқатининг ижтимоий-фалсафий аҳамияти, назарий-методологик масалаларига бағишланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ⁶. О. Усмон, М. Ҳасаний, С. Сайфуллоҳ ва Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, К. Рахимов ўз тадқиқотларида хожагон-нақшбандия таълимоти асослари, жумладан ўн бир рашҳа тўғрисида турли даражадаги маълумотлар ва таҳлилларни келтиришган⁷.

Тадқиқот ишида юқорида номлари қайд этилган хорижлик ва маҳаллий олимларнинг фалсафий мазмундаги илмий таҳлиллари эътиборга олинди. Умуман тасаввуф, алоҳида тариқатларнинг ирфоний, фалсафий, аксиологик жиҳатларининг тадқиқ этилганлиги, Абдухолик Ғиждувоний маънавий меросининг фалсафий таҳлили бўйича яхлит комплекс илмий тадқиқот амалга оширилмаганлиги сабабли мазкур тадқиқотда ушбу муаммога илмий-назарий, методологик асосларини ишлаб чиқиш, унинг структуравий-функционал жиҳатдан уйғунлаштириш хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

– Б. 117–130; Акбар Рошидийниё. Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг тариқат силсиласи ва нақшбандия тариқати (форс тилида) // Гавҳари гўё. 1397/2018. баҳори. - №1(36). – Б. 73–88. Марзия Роғибиён, Муҳаммадризо Муваххидий. Абдулхолик Ғиждувонийнинг ирфоний қарашлари (хожагон тариқати асосчиси васиятномасининг матншунослик тадқиқи ва таҳлили) (форс тилида) // Адабиёт тарихи. – Техрон, 1397/2018 йил (куз-қиш), - №2. – Б. 55–76.

⁵ Бартольд В. Мистицизм в исламе, Соч. Т.6. Ислам: - П.6 1918; Бертельс Е. Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – С. 207–208.; Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма. - М: Наука, 1987; Акимускин О. ал-Гидждувани // Ислам. Энциклопедический словарь. – С. 54; Хисматулин А.А. Суфийская ритуальная практика: (На примере братства Накшбандийа). – С. 19;

⁶ Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. - Т., 1968.; Болтаев М. Хўжа Абдухолик Ғиждувоний – инсондўст ҳаким, рифъат шайх. – Бухоро, 1994; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннахр, 2009; Шодиев Р. Суфизм в жизни народов Средней Азии (IX–XIII вв). – Самарқанд, 1993; Наврўзова Г. Абдухолик Ғиждувоний. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2020; Сафарова Н. Хожагон тасаввуфий таълимотида маънавий-ахлоқий кадриятлар масаласи. Фалс.фан.ном...дисс. – Тошкент: 2002; Назаров Қ.Н. Жаҳон фалсафаси комуси. 2-китоб – Тошкент: “Маънавият”, 2019. – 924 б.; Бухорий С.С. Буюк Ғиждувонийлар (авлиё ва алломалар). –Бухоро: “Бухоро»Akademnashr» 2006; Каримов С.К. Ўрта Осиё ижтимоий-сиёсий фикрининг дастлабки назарий манбалари. Самарқанд, 1993. –Б.5; Саломова Ҳ.Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти. Бухоро “Дурдона” нашриёти. 2018. - 196 б.; Намозов Б. Абу Бакр Калободий тасаввуфий қарашларининг фалсафий асослари. – Тошкент: Фан, 2009; Наврўзова Г.Н., Рахматова Х. Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси. – Бухоро: “Бухоро”, 2010.; Юнусова Г. Абдулқодир Гийлоний маънавий меросида инсон моҳиятининг фалсафий таҳлили. Фалс. фан. доктори (DSc) дисс. – Самарқанд, 2019;

⁷ Усмон О. Бухорои шарифнинг етти пири. – Тошкент: ТошДШИ нашриёти, 2003. – Б. 21–28.; Ҳасаний М. Хожаи Жаҳон – Хожа Абдухолик Ғиждувоний // сўзбоши муаллифи акад М.М.Хайруллаев.. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003; Сайфуллоҳ С. Етти пир: Дунё муршидлари. – Тошкент: “O`zbekiston”, 2019; Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Нақшбандия тариқати. – Т.: “Nilol-Nashr”, 2014; Ўша муаллиф. Нақшбандия: Вазифалар, зикрлар. – Т.: “Nilol-Nashr”, 2018; Рахимов К. Хожагон-Нақшбандия тариқати ва етти пир. – Тошкент: “O`zbekiston” 2020;

Диссертация Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг маънавий-маърифий асослари” (2017-2022 йй.) илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Абдуҳолик Ғиждувоний маънавий меросининг фалсафа тарихидаги аҳамиятини очиб бериш ҳамда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашдаги ўрнини асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Абдуҳолик Ғиждувоний ҳаёт йўли ва дунёқараши, маънавий меросининг назарий-методологик асосларини тадқиқ этиш;

мутасаввифнинг антропологик таълимотидаги “Олами акбар” ва “Олами асгар” ғояларининг фалсафий моҳиятини очиб бериш;

Абдуҳолик Ғиждувоний гносеологик қарашларида дискурсив ва интуитив билиш диалектикасининг аҳамиятини аниқлаш;

Ҳожаи Жаҳон ижтимоий-фалсафий таълимотидаги “жамиятга муносиб бўлмоқ” ғояси ҳамда рубоийларининг фалсафий моҳиятини асослаб бериш;

Ҳожагон тасаввуфий тариқатидаги комил инсон концепцияси ва унинг баркамол авлод тарбиясидаги ўрнини очиб бериш;

Абдуҳолик Ғиждувоний таълимотининг Янги Ўзбекистон шароитида жамият барқарорлаштиришдаги аҳамиятини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Абдуҳолик Ғиждувонийнинг “Васиятнома”, “Мақомоти Ҳожа Юсуф Ҳамадоний”, “Мақсад ас-солиқин”, “Аз гуфтор Ҳожа Абдуҳолик Ғиждувоний” каби асарлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети Абдуҳолик Ғиждувоний маънавий меросининг фалсафа тарихидаги аҳамияти ҳамда тасаввуфий таълимотлар билан умумий ва алоҳида хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, комплекс ёндашув, қиёсий таҳлил, тизимли-функционал ёндашув, контент анализ, ретроспектив таҳлил, диалектик, синергетик, герменевтик каби илмий билиш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Янги Ўзбекистонда маънавий маконни шакллантиришда Абдуҳолик Ғиждувоний ҳаёти ва маънавий мероси асосида инсоннинг нурий ва норий хусусиятлари, руҳий қувватга эришиш, қаҳру ғазабни жиловлашнинг тасаввуфий қирралари очиб берилган ҳамда Юсуф Ҳамадонийнинг “Рутбат ул-ҳаёт” (Ҳаёт мезони), “Одоби тариқат” (Тариқат одоби) ва “Қоинот ва инсон ҳақида” асарларининг мутафаккир дунёқарашидаги гносеологик (оламни билиш), онтологик (Ҳаққа интилиш), методологик (илоҳиётга яқинлашиш) ўрни асосланган;

шахс ва жамият трансформациялашуви жараёнларида Етти Пир таълимотидаги “Жаҳолатга қарши маърифат” концепциясининг жамиятга хизмат қилиш, халқнинг оғирини енгил қилиш, зарар келтирмаслик, барчага яхшилик қилиш, “ёмон”ларга ҳам яхши муносабатда бўлиш, энг қаттол кишиларга ҳам ёмонликни раво кўрмаслик, жавонмард бўлиш йўли билан маънавий-ахлоқий ҳаётни юксалтириш, юксак маънавиятли ёшларни

тарбиялаш, уларнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш каби тамойиллари фалсафий асосланган;

Абдухолик Ғиждувоний рубойларидаги “ҳалол лукма”, “яхши уруғ сепиш”, “ҳар ким ўз эканини ўриши” ғоялари ва тасаввуфий мақомларининг ватанпарварлик, инсонпарварлик, тинчликсеварлик, қалб поклиги, руҳий комиллик, ўзликни англаш, фаол бўлиш, жамият аҳлининг ўзаро тотувлик, уйғунлик, мурсою мадорада яшаш ва барқарор турмуш тарзини таъминлашдаги ўрни ҳамда Хожагон таълимоти моҳиятини очишда дунёнинг ўткинчи эканлигини унутмаслик, ёмонлик қилмаслик, нафсни тийиб ўзини пок, соф этиб, ҳақиқий руҳий томонга яқинлашишнинг фалсафий аҳамияти очиб берилган;

мутасаввифнинг “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний”, “Васиятнома”, “Мақсад ас-соликин”, “Аз гуфтор Хожа Абдулхолик Ғиждувоний” асарларидаги “Олами акбар” (Катта олам), “Олами асғар” (Кичик олам) тушунчаларининг борлиқни англаш, жисмоний, ақлий нафсоний, руҳий кувватларни бошқара олиш, ўз-ўзини англашдаги фалсафий аҳамияти аниқланган ва гносеологик таълимотлардаги дискурсив ва интуитив билиш диалектикаси Ғарб файласуфларининг қарашлари билан қиёсий далилланган;

мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини мустаҳкамлашда Абдухолик Ғиждувоний ҳикматли сўзларидаги Қуръони карим мутолааси билан машғул бўлиш каби диний, инсон руҳий жиҳатдан боқий яшашда маънавий жиҳатдан юксалиш, тараққий этиш каби дунёвий илмларни уйғунликда тадқиқ этиш услубларининг ёшларда маънавий, ғоявий иммунитетни шакллантиришда илоҳий ахлоқ соҳибига айланиш, ҳидоят йўлига бошлаш каби тамойиллари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Абдухолик Ғиждувоний маънавий мероси фалсафий таҳлилининг диалектик, синергетик, толерантлик асослари, объектив ва субъектив омиллари шарҳланган ҳамда уни илмий асосда ўрганишнинг компаративистик мезонларини такомиллаштиришга оид назарий-методологик тавсиялар берилган;

Абдухолик Ғиждувоний маънавий меросининг фалсафий таҳлили жараёнида мутасаввиф дунёқарашининг шаклланишида устози Юсуф Ҳамадонийнинг роли, мутафаккир таълимотининг антропологик, онтологик, гносеологик томонларининг тасаввуф таълимоти ривожигаги ўрни тарихий-фалсафий ёндашув асосида таснифланган ва уларнинг мантикий-функционал хусусиятлари очиб берилган;

Абдухолик Ғиждувоний маънавий меросининг фалсафий таҳлиliga доир Шарқ ва Ғарбда ҳозирги кунга қадар олиб борилган тадқиқотлар асосида муаммони ҳал қилишга оид назарий-методологик, ўқув-услугий, инновацион мазмундаги мустақил таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференцияларда синовдан ўтказилганлиги, тадқиқот иши

натижалари юзасидан берилган хулосалар, таклиф ишлаб чиқилганлиги ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илгари сурилган концептуал ғоялардан инсон қадрни янада юксалаётган Янги Ўзбекистон шароитида ҳамда жаҳон миқёсида тасаввуфнинг мураса, бағрикенглик, сабрлилик, шукроналик фазилатларининг комил инсон тарбиясидаги назарий-методологик асосларини такомиллаштиришда, ижтимоий-гуманитар, иқтисодий-сиёсий фанларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда, маданий-маърифий муассасалар, маҳалла, оила марказлари, интеллектуал салоҳиятни ўстириш билан шуғулланувчи ташкилотлар ўзларининг амалий, кундалик фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Абдухолик Ғиждувоний маънавий меросининг фалсафий таҳлилига оид қарашларидан “Маънавият ва маърифат” марказларининг аҳоли ўртасида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этишда, шунингдек, “Фалсафа”, “Маънавиятшунослик”, “Ислом фалсафаси”, “Нақшбандия тариқати асослари”, “Тасаввуф назарияси” каби фанларни ўқитишда, “Етти пир” ҳақида китоб яратиш, уларнинг илмий меросини тарғиб этишда, Абдухолик Ғиждувоний таваллудига бағишлаб халқаро илмий конференция йўналишларини белгилашда, оммавий ахборот воситаларининг кўрсатувлар ва медиа материалларини тайёрлашда, диний-маърифий лойиҳаларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Абдухолик Ғиждувоний маънавий меросининг фалсафа тарихидаги аҳамиятини очиб бериш ҳамда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашдаги ўрнини асослаб бериш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Янги Ўзбекистонда маънавий маконни шакллантиришда Абдухолик Ғиждувоний ҳаёти ва маънавий мероси асосида инсоннинг нурий ва норий хусусиятлари, рухий қувватга эришиш, қаҳру ғазабни жиловлашнинг тасаввуфий қирралари очиб берилган ҳамда Юсуф Ҳамадонийнинг “Рутбат ул-ҳаёт” (Ҳаёт мезони), “Одоби тариқат” (Тариқат одоби) ва “Коинот ва инсон ҳақида” асарларининг мутафаккир дунёқарашидаги гносеологик (оламни билиш), онтологик (Ҳаққа интилиш), методологик (илоҳиётга яқинлашиш) ўрни асосланганлигига доир хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган ОТ-Ф-1-95-сон “Фанлараро ёндашувнинг мураккаб тизимларни тадқиқ этишдаги имконият ва истиқболлари” (2017-2020 йй) фундаментал лойиҳа доирасида тайёрланган “Фанлараро ёндашувнинг мураккаб тизимларни тадқиқ этишдаги имконият ва истиқболлари” монографиясининг “Ўрта Осиё мутафаккирларининг фанлараро ёндашувга оид ғоялари” бобини тайёрлашда фойдаланилган (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 2022 йил 26 майдаги 04/11-2972-сон маълумотномаси). Натижада, нашр этилган монографиянинг Хожа Абдулхолик Ғиждувоний асарларидаги микро ва

макро олам тушунчаларининг фалсафий аҳамияти ва гносеологик таълимотлардаги дискурсив ва интуитив билиш диалектикасига оид қарашлари бўлимини мазмунан бойитишга хизмат қилган;

шахс ва жамият трансформациялашуви жараёнларида Етти Пир таълимотидаги жаҳолатга қарши маърифат концепциясининг жамиятга хизмат қилиш, халқнинг оғирини енгил қилиш, зарар келтирмаслик, барчага яхшилик қилиш, “ёмон”ларга ҳам яхши муносабатда бўлиш, энг қаттол кишиларга ҳам ёмонликни раво кўрмаслик, жавонмард бўлиш йўли билан маънавий-ахлоқий ҳаётни юксалтириш, юксак маънавиятли ёшларни тарбиялаш, уларнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш каби тамойилларига оид назарий хулосалар ва амалий тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг йиллик дастурлари, йўл хариталарини тузишда, 2021-2022 йилларда ўтказилган тарғибот фаолияти, “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурининг IV йўналишига оид ёшлар маънавиятини юксалтириш ва “Беш муҳим ташаббус” доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар 18-банди ёшларда юксак маънавий фазилатлар, катталарга ҳурмат, ёшларга ғамхўрлик, эзгулик ва инсонийлик, меҳрибонлик ва бағрикенглик, ватан ва халқига садоқат туйғуларини шакллантириш мақсадида “Аждодларга муносиб ворис бўлайлик” тарғибот дастури сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2022 йил 2 августдаги 215-сон маълумотномаси). Натижада, аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш, улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ҳаракати, мақсадли ислохотларни кенг халқ оммасига етказиш, жамиятда фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, бунда зиёлилар, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намояндалари салоҳиятидан унумли фойдаланган ҳолда тизимли тарғиботни амалга оширишга хизмат қилган;

Абдухолик Гиждувоний рубойларидаги “ҳалол лукма”, “яхши уруғ сепиш”, “ҳар ким ўз экканини ўриши” ғоялари ва тасаввуфий мақомларининг ватанпарварлик, инсонпарварлик, тинчликсеварлик, қалб поклиги, руҳий комиллик, ўзликни англаш, фаол бўлиш, жамият аҳлининг ўзаро тотувлик, уйғунлик, мурсою мадорада яшаш ва барқарор турмуш тарзини таъминлашдаги ўрни ҳамда Хожагон таълимоти моҳиятини очишда дунёнинг ўткинчи эканлигини унутмаслик, ёмонлик қилмаслик, нафсни тийиб ўзини пок, соф этиб, ҳақиқий руҳий томонга яқинлашишнинг фалсафий аҳамиятига оид илмий янгилик, назарий хулосалар, методологик тавсиялар ҳамда амалий таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг илмий-маданий жамоатчилиқни кенг хабардор этиш ҳамда каталоглар, альбомлар, илмий-амалий материаллар базасини такомиллаштиришда, юртимиз ҳудудида VIII-XVI асрларда яшаган 650 нафар Шарқ аллома ва мутафаккирлари ҳақидаги тарихий маълумотларни ўз ичига олган “Ўрта аср Шарқ алломалари” энциклопедиясини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот

марказининг 2022 йил 5 июлдаги 02/333-сон маълумотномаси). Натижада, Абдухолик Гиждувоний томонидан илгари сурилган оилада фарзанд тарбияси, унинг дунёқарашининг шакллантиришда аждодларимиз мероси, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясидаги ижобий таъсирини ривожлантириш ва рационал тафаккурини юксалтириш мумкинлиги ғоялари нашр этилган энциклопедиянинг мавзуларини илмий манбалар билан бойитишга хизмат қилган;

мутасаввифнинг “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний”, “Васиятнома”, “Мақсад ас-соликин”, “Аз гуфтор Хожа Абдулхолик Гиждувоний” асарларидаги “Олами акбар” (Катта олам), “Олами асғар” (Кичик олам) тушунчаларининг борлиқни англаш, жисмоний, ақлий нафсоний, руҳий қувватларни бошқара олиш, ўз-ўзини англашдаги фалсафий аҳамияти аниқланган ва гносеологик таълимотлардаги дискурсив ва интуитив билиш диалектикаси Ғарб файласуфларининг қарашлари билан қиёсий далилланганлиги оид илмий хулоса ва натижалардан Ўзбекистон Ислом цивилизацияси марказининг 2020-2021 йилларда мутафаккирлар ҳаётига оид тарғибот фаолияти, “Жаҳон илм-фани тараққиёти ва цивилизациясига ҳисса қўшган аждодлар илмий меросини тадқиқ қилиш ҳамда янги юксалиш давридаги ютуқларни тарғиб қилиш бўйича йўл Харитаси” II. Маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари банди вазифаларини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази 2022 йил 7 июндаги 445-сон маълумотномаси.) Натижада, ўсиб келаётган ёш авлодни муносиб улғайишида, ёшларни юксак маънавиятли комил инсонлар қилиб тарбиялашда, жамиятда адолат муаммоларини холисона ёритишда илмий манба бўлиб хизмат қилган;

мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини мустаҳкамлашда Абдухолик Гиждувоний ҳикматли сўзларидаги Қуръони карим мутолааси билан машғул бўлиш каби диний, инсон руҳий жиҳатдан боқий яшашда маънавий жиҳатдан юксалиш, тараққий этиш каби дунёвий илмларни уйғунликда тадқиқ этиш услубларининг ёшларда маънавий, ғоявий иммунитетни шакллантиришда илоҳий ахлоқ соҳибига айланиш, ҳидоят йўлига бошлаш каби тамойилларига оид илмий натижалар ҳамда амалий таклиф- тавсияларидан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом Бухоро”, “Ўзига ўхшайди ўзбек”, “Тил-миллат кўзгуси” кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда ва бевосита суҳбат жараёнини суратга олишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2022 йил 5 майдаги 1/97-сон маълумотномаси). Натижада, халқимизни, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш зарурлиги, диний ва миллий тотувлик ғояларидан бағрикенглик, бугунги кунда инсонларни ҳаётни кадрлашга, ёшларни толерантлик руҳида тарбиялашда энг самарали, мақбул усуллари ҳақидаги хулосалари телетомошабинларга ушбу масалалар юзасидан керакли маълумотларни олиш имкониятини бериб, кўрсатувларнинг илмийлиги ва оммабоплигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, жумладан, иккита монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 16 та илмий мақола (12 та республика ва 4 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, саккиз параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация умумий ҳажми 251 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги тавсифланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотда қўлланилган усуллар ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган ҳамда диссертация натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Абдулхолиқ Гиждувоний – Хожагон таълимоти асосчиси”** деб номланган. Бобнинг *“Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг антропологик, онтологик қараишлари ва Абдулхолиқ Гиждувоний дунёқараишининг шаклланишидаги аҳамияти”* номли биринчи параграфда Абдулхолиқ Гиждувоний дунёқараишининг шаклланишида Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг ўрни ва ролини ўрганган хорижий ҳамда маҳаллий тадқиқотчиларнинг асарлари мазкур тадқиқотга назарий-методологик асос вазифасини ўтаганлиги баён қилинган. Хожагон тариқатининг мазмун-моҳияти унинг ўзига хос хусусиятларини XIV-XVII асрларда қатор мутафаккирлар⁸, айниқса XV асрнинг адиби ва мутафаккири Абдурахмон Жомийнинг *“Нафаҳот ул унс”*, *“Баҳористон”*, Алишер Навоийнинг *“Насойимул муҳаббат мин шамойимул футувват”*, Фаҳруддин Али Сафийнинг *“Рашаҳот айн ул - ҳаёт”* каби асарларидаги ушбу мавзуга оид фикрлар ташкил этади.

Абдулхолиқ Гиждувонийнинг тасаввуфий, ирфоний, ахлоқий таълимотини ёритишда хориж шарқшуносларининг ҳиссаси жуда ҳам сезиларли. Масалан, Германиянинг шарқшунос олимаси Аннемари Шиммель ўзининг *“Ислом оламининг тасаввуфий таълимоти”* асарида:

⁸ Мазкур тадқиқотлар диссертациянинг *“Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”* қисмида батафсил келтирилган.

“Ҳамадонийнинг энг истеъдодли халифи-издоши Абдул Абд ал-Холиқ Гиждувоний эдики, ўз муршидининг таълимотини тарғиб этиш, тарқатиш билан бирга, ўзи тасаввуфнинг хожагон тариқатига янгиликлар киритиб, кейинчалик, Нақшбандия тариқати амалиётининг асосига айланган саккиз қонидани ишлаб чиққан. Баҳовуддин Нақшбанд расмий жиҳатдан Хожагон тариқатининг иноят этувчиси бўлсада, унинг тариқатининг асл моҳиятини ишлаб чиққан ориф Гиждувоний ҳисобланади”⁹, - дея таъкидлаган.

Англиялик шарқшунос олим Ж.С. Тримингэм ўзининг “Исломда сўфийлик мазҳаблари” номли асарида: Нақшбандия анъанаси Баҳоуддинни унинг номи билан юритиладиган тариқатнинг асосчиси ҳисобламайди ва худди шунинг учун ундан (яъни Баҳоуддиндан) муридларининг йўналиши силсиласи ат-тарбия вужудга келмаган. Тариқат тарихига тааллуқли асарнинг муаллифи Фахриддин бинни Ҳусайннинг “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” номли асарида: “Мазкур тариқатнинг бошловчиси Абу Яъқуб Юсуф ал - Ҳамадоний ҳисобланиб, бироқ унинг халифи руҳий устози - асосчиси шу тариқатнинг янги, унинг амалиётига хос бўлган таълимотнинг яратувчиси Абдулхолиқ Гиждувонийдир. Мазкур тариқатда қабул этилган амалиётнинг ҳабси дамни руҳий билиб олиш - гносисни Хизирдан ўрганган эди. Аммо Нақшбандия номи билан машҳур бўлган тариқат, замонларнинг вайрон қилувчи таъсиридан қатъий назар мураббийлик, таълим ва маросимнинг софлиги каби Абдулхолиқ Гиждувоний таълимотининг генийлик, яъни даҳолик таъсирини йўқотмаган”, - дейилган¹⁰.

Орифнинг муршид устозлари ҳақида Абдулхолиқ Гиждувоний ҳаётига оид манбаларда ёзилган. Уларнинг гувоҳлик беришича, Абдулхолиқ Гиждувонийнинг биринчи устози Имом Садриддин бўлиб, Гиждувонда таълим берган¹¹. Мутафаккир 22 ёшида Бухорои Шарифда Абу Яъқуб Юсуф ал Ҳамадоний билан учрашиш шарафига муяссар бўлган. Тез орада Ҳамадоний уни сўфийлар жамоасига олиб кирган¹².

Диссертант Юсуф Ҳамадонийнинг йирик тасаввуф орифи эканлиги, туркигўй ва форсигўй шогирдларни тарбиялаб вояга етказиб, Абдулхолиқ Гиждувонийнинг ҳам у кишининг “йўлига кирганлигини” манбалар орқали асослаган. Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний Хожагон-Нақшбандия тариқатининг етук муршиди, унинг ривожига улкан ҳисса қўшган пири комил сифатида: биринчидан, Хожагон сулукида ҳафий зикрни бошлаб берган бўлса, иккинчидан, устози Хожа Юсуф Ҳамадоний томонидан ишлаб чиқилган ва Хожагон-Нақшбандия асосий тамойилларига айланиб кетган “Ҳуш дар дам” (Ҳар бир нафасда Худонинг ёди билан бўлиш), “Назар бар қадам” (Ҳар бир қадамга эътибор бериш), “Сафар дар ватан” (Ўз жойида турган ҳолда сафар қилиш), “Хилват дар анжуман” (Одамлар орасидаги

⁹ Қаранг: Шиммель, Аннемари. Мир исламского мистицизма / Инглиз тилидан рус тилига таржима. – Москва: Алетея, Энигма, 1999. – С.282.

¹⁰ Қаранг: Тримингэм Дж.С. Суфийские ордена в исламе. / Инглиз тилидан рус тилига таржима қилинган. - Москва: Наука, 1989. – С.61.

¹¹ Фахриддин Али Сафий. Рашаҳот (Оби ҳаёт томчилари). - Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. – Б.28.

¹² Гиждувоний, Абдулхолиқ. Мақсад ас-солиқин ЎзФА ШИ, Бухоро филиали. - Инв. №2080. - В.2.

хилват) қоидаларига яна тўртта: “Ёдкард” (Эслаш), “Бозгашт” (Қайтиш), “Нигоҳдошт” (Сақлаш), “Ёддошт” (Эсда тутиш) каби рашҳаларни кўшгани каби маълумотларни келтирган.

Тадқиқотда Хожаи Жаҳоннинг художўй шахс, ҳақшунослик йўлига тушган шогирд, муридларнинг маънавий руҳоний устози – муршидини ўз отасидан ҳам кўпроқ ҳурмат қилиши лозимлиги каби фикрлар қайд этилган. Чунки муршидлик лавозими, рухий мураббий оталик мавқеидан юқоридир, зероки, мураббий сўфийга Ҳаққа яқинлашиш йўлини кўрсатади. Хожаи Жаҳон ўзи бу қоидага амал қилиб, устозига бағишлаб “Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний” ва “Рисолаи шайх ал шуоҳ ҳазрати Хожа Абу Юсуф Ҳамадоний” деган асарлар ёзган. Устозига садоқат ва муҳаббат рамзи бўлган “Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний” асарида Абдулҳолиқ Ғиждувоний мутасаввифнинг сурат ва сийрати, гўзал ахлоқи, юриш-туриши, ибодати, ҳаёт фаолияти ва шогирдларига муносабати хусусида атрофлича маълумот берган. Шунингдек, тариқат аҳллари Юсуф Ҳамадонийнинг намунали ҳаёт тарзидан ибрат олишга чақирган.

Юсуф Ҳамадоний Мовароуннаҳр маънавиятида ўзига хос дунёқараш, тасаввуф тизимини барпо этган, ривожлантирган олим ва ориф ҳамда адибдир. Аллома таълимотининг ўзига хослиги шундаки, ушбу таълимот ўзида хушёрлик, назарда огоҳлик, анжуманда хилватда бўлиш, доимий тафаккур мукамаллигига даъват этиш, меҳнатсеварлик, касб-ҳунарли бўлиб, ҳалол яшаш, жамиятга зарар келтирмаслик, бирор нарсага ҳам озор бермаслик каби ғояларни ўзида мужассамлаштирган таълимот ҳисобланади.

Тадқиқотда Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг устози Юсуф Ҳамадоний таълимотининг моҳиятини очиш мақсадида унинг қаламига мансуб: “Рутбат ул-ҳаёт” (“Ҳаёт мезони”), “Рисола дар одоби тариқат” (“Тариқат одоби ҳақида рисола”), “Рисола фи аннал-кавна мусаххарун лил-инсон” (“Коинот ва инсон”) асарларини фалсафий таҳлил қилганлиги қайд этилади.

Диссертант Абдулҳолиқ Ғиждувоний ва Юсуф Ҳамадонийнинг тасаввуфий таълимотини қиёсий таҳлил этиб, улардаги қуйидаги умумий томонларни эътироф этган: икки буюк мутасаввиф ҳам умрларини толиби илмларга раҳнамолик қилишга бағишлаганлар, шариат ва суннатга амал қилганлар, таълимотлари Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифга асосланган, адабий ташбеҳлар, шоирона ифодалардан кенг фойдаланганлар. Нафсни жиловлаш, ҳалол ва ҳаром, моддийлик ва руҳият, дунё ва охират, тубанлик ва юксаклик тушунчаларини атрофлича таҳлил қилиб сабаб ва оқибатлар ҳақида мушоҳадалар қилиш, инсон ҳаётининг имон, ислом, эҳсон билан яшаш моҳияти, зикр ва фикр, руҳ ва бадан, қалб ва жон атамалари орасидаги фарқлар, умуман айтганда, ўзликни англаш, ахлоқни, ботинни тузатиш, маърифатли бўлиш, рухий камолотга эришиш каби масалалардан баҳс юритганлар.

Юсуф Ҳамадоний нуфузли тасаввуф китобларида ҳурмат билан тилга олинади. Фаридуддин Аттор “Тазкират ул авлиё” асарида: “машҳур шайх

Мансур Ҳаллож тарафдори эди”¹³, - деган фикрни ифодалаган. Аммо кубравия машойихидан Мажидуддин Боғдодий (ваф. 1210 й.) ўзининг “Тухфат ал барара” асарида Юсуф Ҳамадонийнинг: “Агар Мансур Ҳаллож маърифатни ҳаққи билан билганда “анал-ҳақ” ўрнига “анал-туроб” (мен тупрокман) деган бўларди”¹⁴, - деган сўзларини келтиради.

Юсуф Ҳамадоний замонасининг етук шайхлари Абдулқодир Гилоний, Имом Ғаззолий билан суҳбатлар қилган. Манбаларда Юсуф Ҳамадонийнинг Ғаззолийдан фарқи илмий-маърифий асарлар ёзишдан кўра, одамлар орасида юриб, муридлар таълим-тарбияси билан шуғулланишни афзал кўрганлигини “Ғаззолий асарларининг кўплиги билан шуҳрат қозонган бўлса, Хожа Юсуф Ҳамадоний кўплаб муридлар етиштиргани билан тасаввуфий жиҳатидан олдиндадир”¹⁵, - дейилган фикрлар келтирилган.

Тадқиқотчи Абдулҳолиқ Ғиждувоний Юсуф Ҳамадонийнинг “Рутбат-ул ҳаёт”, “Рисолаи дар одоби тариқат”, “Рисола фи аннал – кавна мусаххарун лил - инсон”, “Рисола дар ахлоқ ва муножот” каби асарларини ўқиб, тасаввуфни ривожлантириб, такомиллаштириб, Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги тасаввуфий тажрибаларни ўзлаштириб, Хожагон тариқат такомилни бошлаб берди, - деган объектив хулосани келтирган.

Бобнинг “*Аллома ижодида илм, маърифат ва устоз тамойили муаммолари*” номли иккинчи параграфда Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг тасаввуфий қарашлари баёнига бағишланган асарлари “Васиятнома”, “Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний”, “Аз гуфтор Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний”, “Одоби тариқат” (“Ҳақойиқул-имон”, “Дақойиқул ирфон”), “Мақсад ас соликин” ва у киши ҳақида ёзилган “Аллоҳнинг маҳбуби бўлган Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳақида ёднома”, ҳаттот Муҳаммад Қосим Бухорий томонидан кўчирилган “Маслак ал орифин” асарлари, шунингдек, Хожагонлар тариқатига оид фикрлар фалсафий таҳлил этилган.

Диссертант ушбу параграфда Абдулҳолиқ Ғиждувонийга оид маънавий меросни қуйидагича таснифлаган: мутасаввифнинг ўзи ёзган, унинг қаламига мансуб асарлар-биринчи даражали манбалар сифатида; Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳаёт йўли ва таълимотига оид маноқиб, мақомот, тазкира ва рисоалар - иккинчи даражали манбалар сифатида; Абдулҳолиқ Ғиждувонийга бағишланган диссертация, у киши таваллудининг 890, 900, 915 йиллиги тантаналари муносабати билан нашр этилган илмий мақола, рисола, анжуман тўпламлари ва илмий асарларни - учинчи даражали манбалар сифатида ифодалаган. Биринчи даражали манбаларнинг фалсафий таҳлили берилган ва иккинчи, учинчи даражали манбалардан фикрларни асослашда фойдаланилган.

¹³ Аттор, Фаридуддин. Тазкират ул авлиё. – Техрон, 1376 х. в. – Б. 568.

¹⁴ Hayat nedir (Rutbetul hayat). Ahmed Yesevi'nin hocasi Hoca Yusuf-i Hemedani .Ceviren Necdet Tosun. - Istanbul, İnsan yayinlari, 1998. – Б.16.

¹⁵Ҳамадоний, Юсуф. Рутбат ул- ҳаёт / Доктор Муҳаммад Амин Риёхий мукаддимаси. – Техрон, 1361 х.ш. – Б.19.

Шуннигдек, диссертацияда мутасаввиф маънавий меросининг фалсафий таҳлили ҳамда тариқатнинг моҳиятини очишга хизмат қиладиган у ҳақида ёзилган манбалардан келтирилган фикрлар асосида Хожагон тасаввуфий тариқатининг ўзига хослиги, ундаги камолот йўлининг жиҳатлари бўйича хулосалар берилган. Ушбу қисмда асосий урғу Хожа Абдулхолик Гиждувоний Юсуф Ҳамадоний таълимотини ривожлантириб, мазкур силсилани сўфийлик тариқати даражасига шакллантирганлиги, яъни мустақил Хожагон тариқатига асос солишга муваффақ бўлганлиги таъкидланган.

Хожагон тариқатида Абдулхолик Гиждувоний инсон руҳий жиҳатдан боқий яшаш учун бу дунёдаги ҳаётдан фойдаланиши лозим, маънавий жиҳатдан юксалиши, тараққий этиши учун эса, хилват, холи, кимсасиз жойда яшаш эмас, жамиятда бўлиб, покланиш, софланиш воситаси натижасида комил инсон даражасига етиши мумкин, деган бунёдкор ғояни илгари сурган. Хожагон тариқати ва кейинчалик унинг асосида вужудга келган Нақшбандия тариқатида ижтимоий фаоллик ғояси устувордир. Шунинг учун манбаларда “Хожа Абдулхолик Гиждувоний айтибдурларки, “Халқдин оғирликни кўтармак керак ва бу муяссар бўлмас магар ҳалол касб била. “Даст ба кору, дил ба ёр” деган сўз Хожагон тариқатларида амри муқаррар (яъни бажарилиши шарт иш) турур”¹⁶, - дейилган.

Диссертант мутасаввифнинг “Васиятнома”, “Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний”, “Рисолаи васоё”, “Аз гуфтор Хожа Абдулхолик Гиждувоний”, “Мақсад ас соликин” каби асарларининг фалсафий таҳлили асосида Хожагон тасаввуфий тариқатининг моҳиятини ифодаловчи: Ўрта Осиёдаги илк мумтоз тасаввуфий тариқат, руҳни камол топтириш ва комил инсон даражасида юксалишнинг ўзига хос услубини кўрсатган камолотнинг йўли ва меъёрдаги, ҳушёрлик йўли, шахс руҳий хусусиятларини инобатга олиб, камолот услубларини белгилаган сулук, бағрикенглик мактаби, нафс тарбиясига махсус эътибор берган, бандалик ҳолатига энг олий даража сифатида қаралган, инсонга барча жисмоний, аклий нафсоний, руҳий қувватларни бошқара олиш йўли, хотирани тасниф этиб, уни шайтоний, нафсоний тубанликдан поклаб малакий ва охирида раҳмоний¹⁷ даражасигача юксалиш йўллари кашф этиб, “ёдкард”, “бозгашт”, “нигоҳдошт”, “ёддошт” рашҳалари ёрдамида бунга эришиш мумкинлигини руҳий камолотга етказадиган одоб йўли деган хулосаларни баён қилган.

Тадқиқотчи Хожаи Жаҳон – Абдулхолик Гиждувонийнинг мунис, камтарин инсон сифатида ҳеч вақт шон-шуҳратга интилмагани ва бунга эҳтиёжлари ҳам бўлмагани, у кишининг руҳшунос, илоҳиётшунос сифатида, инсоннинг асли, моҳиятини шахсий тажрибалари воситасидан аниқлаб, ошкор этиш бобидаги буюк хизматларига Баҳоуддин Нақшбанддек донишманд, мутасаввифу шайхлар ўз замонларидаёқ юксак баҳо берганликлари, йиллар ўтиши билан у кишининг қадри, маънавий, руҳий -

¹⁶ Сафий, Фахруддин Али. Рашаҳот: айн ул –ҳаёт. (Оби ҳаёт томчилари). - Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. - Б.346.

¹⁷ Гиждувоний, Абдулхолик. Мақсад ас-соликин ЎзФА ШИ, Бухоро филиали. - Инв. №2080. - В.13.

ахлоқий насихат, васиятларининг қиммати ошиб борганлиги, ҳатто бизнинг давримизда ҳам жаҳоннинг буюк шарқшунос, руҳшунос, инсоншунос олимлари мутасаввифнинг тасаввуфни ривожлантириш соҳасидаги ютуқ ва муваффақиятларини юқори даражада қадрлаганларига эътиборни қаратган.

Абдулҳолик Гиждувоний яратган Хожагон таълимоти ва маънавий мероси ҳозирги кунгача баркамол инсонни тарбиялашнинг асосий, самарали, ҳамда катта аҳамиятга эга бўлган ғоя ва услублар сифатида ёшларда маънавий, ғоявий иммунитетни шакллантиришда муҳим манбалардан бири сифатида аҳамиятли деб хулосаланган..

Диссертациянинг иккинчи боби **“Абдулҳолик Гиждувоний маънавий меросида онтология ва гносеология муаммолари”** деб номланган. Бобнинг биринчи *“Мутасаввифнинг антропологик таълимотидаги “Олами акбар” ва “Олами асгар” масалалари”* номли параграфида Хожаи Жаҳон тасаввуфий тариқатидаги фалсафанинг бош муаммоси ҳисобланган инсон талқини, барча ижтимоий тузумларда инсоннинг энг олий қадрият эканлиги, инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти, борлиқ ва билиш каби фалсафий йўналишлар таҳлил этилган.

Мутасаввиф антропологик таълимотида инсоннинг ҳам “Олами акбар” (Катта олам), ҳам “Олами асгар” (Кичик олам) сифатида, яъни руҳий ва маънавий жиҳатдан замон ва маконга боғлиқ бўлмаган буюк олам, улкан руҳий олам эканлиги, шу билан биргаликда бутун жисмоний – табиий оламнинг кичиклаштирилган ҳолда ўз ичига қамраб олган олам эканлиги ҳақидаги фикрлари баён этилган. Мутасаввифнинг инсоннинг бир томондан руҳ ва иккинчи жиҳатдан жисмонийликдан таркиб топганлигини эътироф этган ҳолда, инсонга оид қарашлари аллома маънавий меросидаги фикрлар орқали асосланган.

Диссертант руҳ, жон ёки баъзи мутасаввифларнинг каломи билан айтганда нафас одамнинг аслий, ҳақиқий, мангу, илоҳий, абадий томони бўлиб, у инсоннинг жисмий, жасадий томонидан бир қанча белгилари, сифатлари билан фарқ қилиши, инсоннинг руҳи ёки нафаси маънавий эканлиги, мутасаввифларнинг инсон руҳи, нафаси, жонини жисм, жасаддан фарқини кўрсатиш мақсадида фикрларини ифодалаган. Инсоннинг руҳи, жони, нафаси унинг аслий, ҳақиқий томони бўлиб, у жисмларга ўхшамаслиги, нафас, руҳ ҳамма жиҳатдан бадан, тандан ва барча жисмлардан афзал, юксак бўлиб, барча ҳолати ва сифати жиҳатидан улардан тубдан фарқ қилиши, инсон ўз ҳаёти, тажрибасида касб этган вақтинча сифат ва хусусиятларга ўхшамаслиги, руҳ, жон, нафасни касб этилган хусусият ва сифатлар мажмуаси дея тасаввур этиш маҳол эканлигини ифодалайди. Демак, одамнинг аслий, ҳақиқий томони жисм ва жисмоний, моддий эмас. Инсоннинг руҳи, нафаси билимлар, тасаввур, сезгиларнинг кўпайиши билан хаста, касал бўлмайди. Ҳаёт тажрибаси ва кузатишлардан маълумки, одам ўз руҳи, қалби-ла нарсалар, ашёларни идрок этади ва ҳиссиётлар, тасаввурлар ва билимларни ҳосил қилиш билан унинг руҳи хаста ва нуқсонли, камчиликли бўлмайди. Аксинча, ҳиссиётлар, тасаввурларнинг кўпайиши инсон руҳий томонини кучайтиришини далиллаган.

Бир жисмда икки хил шакл қўшилиши, йиғилиши мумкин эмаслиги, киши онги, зеҳнида билимлар, тасаввур, идроклар қанчалик кўп бўлса, унинг онги, зеҳни кучлироқ бўлиши, одамнинг руҳи, жони, нафаси бирикма эмаслиги, ўз таъсири ва фаоллиги жиҳатидан жисмдан фарқ этувчи ва унга зид, ҳеч бир вужуддан унга муҳтожлиги йўқлиги каби фикрлар ифодаланган.

Тадқиқотчи Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг доимо инсонларга ўз амалларини сарҳисоб қила бориб, гуноҳларга пушаймон бўлиб, уларни нотўғрилигини тушуниб, қайтиб уларга қайтмасликка қатъий аҳд қилиш учун ёмонлардан узок юриш лозимлигини таъкидлагани, “Чунки ундай дўст гуноҳнинг сабаби бўлади, поклигинини бўлғайди”¹⁸, - дегани, бу борада устози Юсуф Ҳамадонийнинг “Аъзолар турли риёзат ва машаққатлар тортиб жиноят ваҳшатидан покланмагунича, ботиний ва зоҳирий томирларнинг ҳар бирида Аллоҳ завқи ва қўрқуви сувлари оқмагунича, қалб ҳовузи қазага рози, мусибатга сабр этувчи, неъматга шукр этмагунича кўнгил покланмайди ва озод бўлмайди. Булар юзага келган тақдирдагина қалб ҳурриятга эришади, баданга ҳаловат ва тоат бағишлайди. Маърифатни талаб қилишдаги ташналик миқдорича маърифат ҳаловатини танлайди. Ҳақ таоло ҳам лутфу карамиила унинг тафаккур – тушунча эшигини очади”¹⁹, - деган ўғитларга эътибор қаратиб фикрларни асослайди. Агар одам ички томонини англай олса, ёки “Олами асғар” “Олами акбар”ни англай олса, ўшанда руҳ абадийлашади каби фикрлар билан хулосалайди.

Шунингдек, бобнинг “*Абдулхолиқ Ғиждувоний гносеологик таълимотидаги дискурсив ва интуитив билиш диалектикаси*” деб номланган иккинчи қисмида Хожагон таълимотида билишнинг юқори, яъни дискурсив ва олий, яъни интуитив даражаларига оид фикрлар, ҳиссий ва ақлий тафаккурий билишнинг қалбий, ботиний билишга асос бўлиши, тасаввуфда унинг ўзига хос томонлари ва уларнинг диалектикаси фалсафий таҳлил этилган. Фазо, вақт, жисм, ўз - ўзини англаш, қалб, интуиция каби тушунчалар Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг қарашлари асосида қиёсий таҳлил этилган. Тариқатдаги одам ўзининг яшаш тарзи-ла келажак ҳаётини белгилаши, инсон руҳий жиҳатдан боқий яшаши учун бу дунёдаги ҳаётдан фойдаланиши, маънавий жиҳатдан юксалиши лозимлиги каби фикрлар манбалар асосида ўз аксини топган. Моддий ва маънавий борлиқ ўз табиатига кўра бир-бири билан узвий боғлиқ диалектик жараён бўлганлигидан уларнинг инъикоси бўлган инсон билишини ҳам диалектик жараён сифатида ақл ва интуиция бир-бирини тўлдирувчи воситалар эканлиги Хожагон тариқати асосида таҳлил этилган.

Диссертант билишнинг олий даражаси ҳақида фикр билдириб, интуицияга эга бўлмоқ учун махсус қобилиятлар, ёки билиш аъзолари талаб қилинмаслиги, интуициянинг асосий шартини соф салбий ва онгнинг амалий манфаатдорлигидан соқит бўлишида ва амалиётга мувофиқ ҳар қандай нуқтаи назарларни бартараф қилишдир Интуитив билиш учун на бирор ишни

¹⁸Ғиждувоний, Абдулхолиқ, Васоиё. / Ўз ФАШИ Кулёмалар фонди, - Инв. №135. – В.16 а.

¹⁹ Юсуф Ҳамадоний. Рисолалар. / Тарж.ва нашрга тайёрловчи С. Сайфуллоҳ ва Н.Ҳасан. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2018. – Б. 65.

амалга ошириш, на билиш, на бирор нарсани тадбирлаш талаб қилинмайди, амалий фаолият жараёнида интеллектда пайдо бўлган мойилликлар, одатлар, нуқтаи назарларга қарши турувчи онгни бошқарувчи ироданинг кучли қуввати талаб этилади, холос. Онгимизни амалиёт билан боғлиқ бўлган барча ришталарини узиб ташлаб амалий нуқтаи назар билан боғлиқ бўлган барча нарсалардан воз кечиш нарсаларга соф ҳиссий қараш Бергсонча интуицияга эга бўлишдан иборатдир каби фикрларни келтириб, уларни манбалар билан асослайди.²⁰ Абдулхолик Ғиждувонийнинг инсон абадийлик ва ўткинчилик, мавжудлик ва йўқлик, руҳиятлилик ва моддийлик, бирликнинг ифодаси сифатида ҳаётининг моҳиятини ифода этишига доир фикрларини фалсафий таҳлил этган. Хожаи Жаҳон инсоннинг ўз-ўзини англашида ақлий ва илоҳий қобилияти уйғунлиги, ўзаро боғлиқлигини айтиб, моҳият масаласига асосий эътиборни қаратган. Тасаввуфда мақомат даражаларини бирма - бир эгаллаб, муваффақиятга эришган солиқ ақлий мушоҳададан кейин ҳол мартабасига (қалбан ҳис этиш) етади деган фикрларини таҳлил қилган.

Хожагон таълимотидаги шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат босқичларини босиб ўтилишининг ўзи дискурсивликдан интуитивликка ўтиш жараёнидир.

Тадқиқотчи Хожагон тасаввуфий тариқатининг таълимотида, тариқат одобиди барча амаллар, ўғитлар ақлий ва ноақлий, яъни дискурсив ва интуитив билишнинг ўзаро боғлиқлиги, ақлий билиш, яъни фалсафий, ақлий, тафаккурий билишнинг интуитив, яъни, қалбий, ботиний, рўъяга асос бўлиши каби объектив хулосани берган.

Диссертацияда маърифатнинг фақат орифнинг ўзи учун эмас, омма учун ҳам кераклиги, эришилган илм-маърифат халққа етказилиши, инсонларни эзгу ишларга чорлаши, миллатнинг ахлоқий камолоти учун хизмат қилиши лозимлиги, бу масъулият Хожагон тасаввуфий тариқати нафақат ориф, балки бутун жамият ҳаётида улкан аҳамиятга эга деб баҳоланган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Абдулхолик Ғиждувонийнинг ижтимоий - маънавий ғоялари”** деб номланган. Ушбу бобнинг “Хожаи Жаҳон ижтимоий таълимотидаги “Жамиятга муносиб бўлмоқ масаласи ҳақида” номли биринчи параграфиди Хожагонлик тариқатидаги ижтимоий қарашларга оид фикрлар давом эттирилиб, инсоннинг жамиятда тутган ўрни, яшаши, ҳаёт кечириш тарзи, жамиятга муносиблик, бу борадаги тариқат одобларининг фалсафий таҳлили ўз аксини топган. Мутасаввиф панд-насихатларида ўзликни англаш, ахлоқни, ботинни тузатиш, қалб имкониятларига йўл очиш, маърифат сиридан воқиф бўлиб, баркамолликка эришишга оид фикрлар келтирилган. Айниқса, мутасаввифнинг тинчликсеварлик, ватанпарварликка оид фикрлари унинг асарлари ва у ҳақида ёзилган манбалар асосида таҳлил этилган. Виждон, яхши хулқ, ёмонларга ҳам яхши муносабатда бўлиш, меҳрлилик, ҳалол меҳнат, жамиятга зарар келтирмаслик, “хилват эшигин ёпиб, суҳбат эшигин очиш”, жамиятда яшаш илмини ўрганиш, инсон қадрини унинг ишлари натижаси кўрсатиши,

²⁰Бергсон А. Творческая эволюция. – М.:СПб, 1941. - С.37-42.

нафсга берилмаслик, хайрли аъмолли бўлиш билан маънавий-ахлоқий ҳаётни юксалтириш ҳақиқий инсоний фазилат сифатида фалсафий таҳлил этилиб, Абдулхолиқ Ғиждувоний таълимоти ҳамма амал қилиши мумкин бўлган, ўз моҳиятига кўра илоҳийлик ва дунёвийликни ўзида мужассамлаштирган таълимот сифатида ифодаланган.

Тадқиқотчи Хожаи Жаҳоннинг ижтимоий-маънавий ғояларини ҳозирги давр билан боғлаб, 2022 йил 28 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ҳақидаги ПФ-60-сон фармонидаги ”Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган 7 та устувор йўналишдан иборат 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури билан боғлаб тушунтирган.

Тадқиқотчи Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг жамият ривожига фан ва диннинг ўзига хос ўрни борлиги, диннинг тараққиётида фаннинг ролини билганлиги ва ботиннинг камол топишида зоҳирий илмлар - илми қолнинг ўрнини муҳим ҳисоблаганлигига оид фикрларига эътиборни қаратган. Диссертацияда Хожаи Жаҳон илм ўрганмасдан туриб, бирор ишга киришмасликка, ҳар илмни ўрганган киши унга амал қилишга, қилинадиган амал сидқу - ихлос билан қилинишига, илм эгалари ва шайхларнинг таълимотини инкор этмасликка, доимо илмнинг кадрини баланд тутишга, унга гард юқтирмасликка даъват этганлиги асосланган.

Диссертант Абдулхолиқ Ғиждувоний маънавий меросида насрий баёнлар назмий ўғитлар билан бирга ифодалангандигини таъкидлаган. Фалсафанинг умумназарий масалалари ҳақида, яъни, инсон, борлиқ, билиш, тафаккур, одоб-ахлоқ, кадрият, шунингдек, айниқса фалсафанинг бош мавзуси ҳисобланган инсон муаммоси, унинг ҳаётининг маъноси, яшашдан мақсад, яхшилик ва ёмонлик, уруш ва тинчлик, адолат, ҳалоллик, поклик каби масалаларга бағишлаб жуда кўп рубойлар битилган. Хожаи Жаҳон – Ғиждувон фарзанди. Ота-онасининг тақдир тақозоси билан Румдан бу ерларга келиб, ҳаётини давом эттирган. Бу борада рубойий ҳам битган. Тадқиқотда юқорида келтирилган фикрларнинг мантиқий давоми сифатида рубойларидан бири тинчлик, ввтанпарварлик ва тинчликпарварликни тараннум этувчи куйидаги тўртлик келтирилган:

Бар дўст муборакиму, бар душман шум,
Дар жанг чу оҳаниму, дар сулҳ чу мум.
Сарчашмаи нур-Ғиждувон манзили мост,
Ман тиғи лурўя мезанам то дар Рум²¹.

Таржимаси:

Дўстга муборакмиз-у, душманларга шум,
Жангда темирмиз-у, сулҳда мисли мум.
Нур сарчашмаси-Ғиждувон манзилимиз,

²¹ Ғиждувоний, Абдулхолиқ. Аз гуфтори Абдулхолиқ Ғиждувоний. / Ўз ФА ШИ, Инв. -№1494/1V. - 12 варак.

Икки дамли тигмиз, Румгача таъсиримиз.
Баъзи нусхаларда кейинги икки қатор шундай ёзилган:
Андар таҳи кўхи Ғиждувон манзили мост,
Шамшири дуруя мезаним то дари Рум.

Таржимаси:

Бизнинг манзилимиз Ғиждувон тоғи остидадир,
То Рум эшикларига қадар қилич тортамыз”²².

Бунда Абдулхолиқ Ғиждувоний, ўзининг юксак ватанпарварлик, тинчликсеварлик хислатини баён этиб, дўстларга, яъни Ватанига яхши, пок ниятда келганларга муборак – хайрихоҳ эканлигини, ёмон, душманлик муносабатида келганларга шум, яъни қарши бўлиб, асло йўл қўймаслигини билдиради. Агар бу борада уруш бўлган тақдирда темирдек қалқон бўлишини, муросаю-мадорада, келишиш борасида келганларга, сулҳ тузиш тарафдорларига мисли мум даражасида юмшоқ муносабатда бўлиши ифодаланади. Унинг манзили, яшаш жойи, киндик қони тўкилган жой Ватани бўлмиш Ғиждувонни меҳр билан “нур сарчашмаси” деб атайти. Нурга қиёсланган она ер ўзининг меҳнатсевар, ҳалол, бағрикенг, юксак тафаккурли эли билан фахрланган аллома қалбида ўзининг ёруғлигини жо этган. Манбаларда келтирилишича, Хожаи Жаҳон ота томонидан Румлик, яъни Туркиялик бўлган ва тақдир тақозоси билан Ғиждувонда улғайган.

Диссертант “Аллоҳнинг маҳбуби бўлган Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳақида ёднома” асарининг 2-саҳифасида “У киши Хожа Юсуф Ҳамадоний сулоласининг буюкларидандир. Хожа Имом Молик авлодидан. Румлик подшоҳлар авлодига ҳам мансубликлари ул зотнинг ўз замонасининг олими, Бухорои Шарифга сафар қилиши, Ғиждувонда нашъу намо топиб фарзанд кўриши ва туғилажак фарзандини исмини Абдулхолиқ қўйишни башорат қилган экан. Ота-оналари билан Бухорои Шарифга йўл олган ва тушда аён бўлганидек, Ғиждувонда яшаб, фарзанд кўриб, исмини Абдулхолиқ, яъни, Худонинг қули деб қўядилар”²³, - деб қайд этади. Шу сабабли ҳам турк элининг ва Ғиждувон элининг фарзанди сифатида ўзини “икки дамли тиг” деб, ҳамда таъсири Румгача эканлигини мутасаввиф баён этганлигини алоҳида таъкидлаган.

Абдулхолиқ Ғиждувонийдек буюк сиймоларнинг ўғитлари, маънавий меросларидаги тинчликсеварлик, ватанпарварлик ғоялари ёш авлодни баркамол, ўз она Ватанига содиқ қилиб тарбиялашга хизмат қиладиган маънавий хазиналардан биридир. Бу умуминсоний тамойилларнинг таъминланишига давлатимиз сиёсатида доимо эътибор қаратилиб келинмоқда ва булар Янги Ўзбекистонни янада юқори поғоналарга кўтаради.

Тинчлик, хотиржамликнинг улуғ неъмат эканлиги Хожаи Жаҳоннинг устози Юсуф Ҳамадоний асарларида ҳам ўз аксини топган. Буюк шайхнинг

²² Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Рисолаи саҳабия. Васиятнома. // Тарж.ва нашрга тайёрл. С.Сайфуллоҳ ва Н.Ҳасан. – Тошкент: “Movaqounnah”, 2018, -Б. 58.

²³Аллоҳнинг маҳбуби бўлган Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳақида ёднома. -Б. 2. (асар муаллифи номаълум).

“Хаёт мезони” асарининг бошланишидаёқ энг аввало “тирик – бу тинч, осуда киши, тириклик” эса тинчлик, хотиржамлик эканлигини айтганлар.²⁴ Тинчлик ва хотиржамликнинг “етти қават осмон ва ернинг бутун махлуқоти” томонидан улуғланиши даражасидаги умуминсоний қадрият эканлигига ва бу борада буларнинг ҳаммаси ҳамфикр эканликларига эътибор қаратилади.

Диссертант мазкур параграфда доимо жамиятга хизмат қилиш, халқнинг оғирини енгил қилиш, қўлдан келмаса, зарар ҳам келтирмаслик, барчага яхшилик қилиш, хайрли фаолиятли бўлиш йўли билан маънавий-ахлоқий ҳаётни юксалтириш, ҳақиқий инсоний фазилат эканлиги буюк мутасаввиф тариқатининг маънавий негизи ҳисобланишини, тасаввуф аҳли таълимотига мувофиқ, мутлақ вужуд- бандаларига нисбатан доимо хайр яхшилик этгувчи вужуддир, шунинг учун барча халқлар, бандалар ўз эгаси сифатларига эргашиб, бу фоний дунёда ўз ҳаётини яхшилик, хайрли ишлар қилиш билан ўтказиши лозимлиги, Хожаи Жаҳон Абдулҳолиқ Ғиждувоний томонидан айтилган инсондўстлик ғоялари, улуғ ҳикматлари ҳаёт қонуни ҳисобланиши каби ўғитлари жуда қимматлидир деган объектив хулосалар чиқарган.

Бобнинг *“Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний рубоийларининг бадиий-ахлоқий моҳияти”* номли иккинчи қисмида Хожаи Жаҳоннинг ҳам бошқа тариқат шайхлари каби бадиий ижод билан шуғулланганлиги, рубоийлари орқали тариқат муридларини Ҳақ ва эзгулик йўлига даъват қилганлиги, ушбу ижодда борлик, билиш, қадрият, тафаккур, одоб-ахлоқ масалалари ва бошқа фалсафий-ирфоний мавзулар ўз аксини топганлигини қайд этган.

Шунингдек, ирфоний характерга эга бўлган рубоийлари, ҳамда ватанпарварлик, умр мазмуни, ўтар умрда фақат яхшилик қилиш, умрнинг инсонга берилган “сармоя”эканлиги, ундан тўғри фойдаланиш лозимлиги, ёмон йўлларга кириб, “шайтоннинг макридан ғофил бўлмаслик”, ҳар қандай ҳолатда пок фазилатли бўлиш, “Олами акбар” бўлмиш ҳазрати инсонни олий қадрият эканлиги каби мавзулар мутасаввифнинг “Васиятнома”, “Аз гуфтор Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний” ва “Мақсад ас соликин” асарлари асосида фалсафий таҳлил этилган.

Диссертант бу рубоийларнинг айрим ҳолларда ҳар хил ифодаланганлигини, лекин мантиқ бир хил эканлигига, бунга Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг “Аз гуфтор Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний”, ҳаттот Қосим Муҳаммад томонидан кўчириб ёзилган “Маслак ал орифин”, Гулчехра Наврўзованинг “Абдулҳолиқ Ғиждувоний” каби асари ва бошқа айрим манбаларни мисол келтирган. Ҳатто Хожаи Жаҳоннинг айрим рубоийларини Сайфиддин Боҳарзийга тегишли рубоийлар ичида ҳам мавжудлиги каби далиллар келтирилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Абдулҳолиқ Ғиждувоний ғоялари ва Янги Ўзбекистон”** деб номланган. Бобнинг *“Хожагон тариқатидаги комил инсон концепцияси ва унинг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни”* номли

²⁴ Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони, Одоби тариқат, Коинот ва инсон ҳақида. Т.: 2018, -Б. 16.

параграфида Хожагон тасаввуфий тариқатида комил инсон концепциясининг ўзига хослиги, инсоннинг комиллик даражасига етгунга қадар амал қилиши лозим бўлган тартиб-қоидалар, ҳар бир инсоннинг ҳаётда муносиб бўлиб яшаши учун, баркамолликка эришиши борасида берилган ўғитлар қиёсий - таҳлилий асосланган.

Диссертант Хожагон тариқати мазмунини ёритувчи манбалар асосида комилликнинг асосий моҳиятини руҳий жиҳатдан юксалиш эканлиги, бу йўлдаги шартларнинг аввали маънан покланиш бўлиб, бундай ҳаракатнинг маъноси таркидунёчилик эмаслиги, табиат ато этган ақл-идрок, фаҳм-фаросат билан, ҳам диний ирфон, ҳам жамиятда, оилада, кишилар орасида ҳамжиҳатлик билан покиза ҳаётни қуриш, Ватан учун фидокорлик қабилар эканлигини асослаган. Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг руҳни камол топтириш ва комил инсон даражасида юксалишнинг ўзига хос йўли меъёрдаги, шариат ва суннатга уйғун, бидъатдан йироқ, хушёрлик, қалб руҳий хусусиятларини ҳисобга оладиган бағрикенглик йўли эканлиги фалсафий таҳлил этилган.

Фалсафий тафаккур тарихида Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг комил инсон мавзусининг ўзига хослиги Хужвирий (XX аср боши), Азизиддин Насафий (мил. 1068 й. туғилган), Ибн ал Арабий (мил. 1076 й. туғилган), Абдулқодир Гилоний (мил. 1077 й. туғилган), Фаридуддин Аттор (мил. 1146 й. туғилган), Жалолиддин Румий (мил. 1207 й. туғилган), Сайфиддин Боҳарзий (мил. 1068 й. туғилган) каби буюк мутафаккирларнинг комил инсон борасидаги таълимотлари билан қиёсий таҳлил қилиниб, қисқа тезисларда далилланган.

Тадқиқотчи бу борадаги фикрларини Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг комил инсон ўзини англай билиши, яъни ўткинчи жисмий жиҳатини, абадий руҳий томонидан ажрата олиши, руҳий комилликка эришиш учун тариқат одобига риоя қилиб мақомлари даражасида юксалиши, хотиранинг ўрни катта эканлиги, нафсининг камолот йўлига эътибор бериб, аммораликдан мутмаиналикка етишиш, “Даст ба қору, Дил ба Ёр” шиорига амал қилиб, одамлар учун шайхлик эшигини ёпиб, ёрдам эшигини очиш, хилват эшигини ёпиб, суҳбат эшигини очиш ўғитига амал қилмоқ лозимлиги каби ғоялари билан хулосалаган.

Абдулҳолиқ Гиждувоний руҳий комилликка эришишда доимо ислом динининг, тасаввуф таълимотининг моҳиятини нотўғри тушуниб, бидъат ва хурофот фикрларни тарқатувчилардан узок юришни, “чунки ундай дўст гуноҳнинг сабаби бўлади, поклигини бўлғайди”²⁵, гуноҳнинг катта-кичиги бўлмаслиги, гуноҳ қилмаслик лозимлиги: “Эй мўмин банда билгинки, гуноҳлар захри қотилдир. Гуноҳсиз яшаган пайтда гуноҳлар зулматидан пок бўлади ва бу нурнинг ёруғлиги унинг ботинини нурга тўлдиради”²⁶ каби фикрлари билан асослаган.

²⁵ Гиждувоний, Абдулҳолиқ. Маслак ал-орифин / Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхонаси Шарк бўлими. - Инв. №80\167– В. 16 а.

²⁶ Гиждувоний, Абдулҳолиқ. Маслак ал-орифин / Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхонаси Шарк бўлими. - Инв. №80\167– В. 16 а.

Хожаи Жаҳон инсонни ҳамиша руҳий-маънавий покликка, кундалик амалий фаолиятдан узилмай, дилида Худо ёди билан бирга бўлишга чорлайди. Бунинг учун инсон ҳамиша юксак имон ва эътиқодга эга бўлмоғи лозим. Инсон фақат моддий бойликка эмас, кўпроқ маънавий бойлик, эътиқод ва иймон томон интилиши зарур. Эътиқод ва иймон Худога бўлган муҳаббатнинг ўлчовидир. Иймону эътиқодни мустаҳкамламоқ учун Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф йўлидан бормоқ керак. Бу йўл таркидунёчиликни рад этиш, хилватдан кечиш, улар ўрнига суҳбатни афзал кўриш, “халқ юкини кўтаришга” интилиш жараёни тариқат аҳлининг ижтимоий ҳаётга фаол иштирок этиши демакдир деган хулосани беради.

Ушбу бобнинг кейинги “*Абдулхолиқ Ғиждувоний таълимоти силсиласининг ворисийлиги ва ривожини*” номли параграфида Хожагон тасаввуфий таълимотининг ривожини ва аҳамиятига оид фикрлар ўз аксини топган. Бунда Марказий Осиёдаги вужудга келган тариқатлар, айниқса, Хожагон-нақшбандия тариқатининг тараққиётида ҳиссаси бекиёс бўлган пирларнинг ҳаёти ва фаолияти, таълимоти, ўзига хос томонлари, тариқат ривожига алоҳида хизматларига оид фикрлар манбалар асосида ёритилган.

Диссертант Абдулхолиқ Ғиждувонийдан кейин тариқат фаолиятини давом эттирган Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Муҳаммад Бобо Самосий, Саййид Амир Кулол, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд каби улуғ пирларнинг маънавий мерослари асосида, Хожагон – нақшбандия тариқати ва уларнинг таълимотларидаги моҳиятни умумийлик ва хусусийлик принципи асосида фалсафий таҳлил қилган. Хожагон тариқатининг ривожига қўшган ҳиссалари манбалар асосида ёритилиб, Хожагон-Нақшбандиянинг Бухородан етишиб чиққан пирлари ўз даврининг илму-маърифатини, одоб-ахлоқини, тасаввуфий сир-асрорини эгаллаган комил инсонлар бўлган. Улар ибодатда, дунёвий муносабатларда, халқ билан мулоқотларда ҳамиша яхши амалларнинг, эзгуликнинг энг юксак намунасини намоён қилганлар. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийдан кейин Хожагон тариқати буюк сўфийлар, мутасаввифлар томонидан муносиб давом эттирилди, янгиликлар, қўшимчалар киритилиб янада такомиллаштирилди. “Даст ба қору, дил ба Ёр” Абдулхолиқ Ғиждувоний асослаган тамойил, ҳалол меҳнат ҳақидаги ғоялар кейинги давр Хожагон – нақшбандия таълимоти тараққиётида асос бўлиб хизмат қилди, деган объектив хулосани ифодалаган.

Диссертант ушбу бўлимни Янги Ўзбекистон шароитида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий тақдирини ҳал қилувчи бўлғуси юқори малакали мутахассисларни инсон тўғрисидаги фалсафий билимлар тараққиёти билан қуроллантириш - умумдават, умумжамият аҳамиятига эга бўлган тарихий зарурият эканлиги, мамлакатимиз олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тугатиб, ҳаётга қадам ташлаётган ҳар бир ёш мутахассис, айниқса, халқ маорифи тармоқларида амалга оширилаётган таълим ва тарбия жараёнининг ташкилотчилари ва тарғиботчилари ўзларининг касб-кор малакаларини жаҳон цивилизацияси

талаблари даражасига кўтармоқлари учун узок давом этган мураккаб эволюцион жараённинг маҳсули бўлган Ҳазрати Инсоннинг жисми, руҳияти ва маънавияти ўртасидаги ўзаро алоқадорлик механизмини тўла тасаввур этишлари лозимлиги, инсоннинг жисмоний ва маънавий қиёфаси, руҳий ҳолати ҳақида билимга эга бўлмоқ кераклиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, таълим ва тарбиянинг бутун жараёнини инсонпарварлик ғоясига қаратмоғимиз керак каби фикр билан хулосалайди.

Абдулхолик Гиждувоний ва у кишининг ғояларини ривожлантирган мутасаввифлар таълимотларининг Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда ёш авлодни маънан юксак савияли, кенг дунёқарашли бўлиб шаклланишида аҳамиятли эканлиги таъкидланган.

ХУЛОСА

Абдулхолик Гиждувоний маънавий меросининг фалсафа тарихидаги аҳамиятини очиб бериш ҳамда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашдаги ўрнини тадқиқ этиш асосида қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинган:

1. Ислом оламида кадрли ва мўътабар зот, тасаввуфнинг улуғ пешволаридан бири Хожа Абдулхолик Гиждувоний Хожагон тасаввуфий тариқати ва таълимотининг асосчиси. Алломага дастлабки таълимни отаси Имом Абдулжамил берган. Тўққиз ёшида Қуръони Каримни тўлиқ ёд олган. Кейин Имом Садриддиндан тафсир илмини ўрганган. Ўн ёшидан дарвешларнинг зикрларида иштирок этиб, тасаввуф асосларидан таълим ола бошлаган. 22 ёшида Бухорога келиб, Хожа Юсуф Ҳамадонийга мурид бўлган. Устози уни сўфийлар жамоасига олиб кирган. Абдулхолик Гиждувоний “Қутби замон” (Замон ва тариқат илмининг асосчиси), “Султонул орифин” (Орифлар султони), “Хожаи Жаҳон”, “Маҳзанул асрор” (Сирларнинг маҳзани), “Дунё шайхи”, “Тариқат аҳлининг раиси”, “Ҳақ йўлининг намоёндаси”, яъни, дунё авлиёларининг султони номлари билан машҳур бўлган. Мутасаввиф тўқувчилик касби билан шуғулланган.

2. Мутафаккир дунёқарашининг шаклланишида Юсуф Ҳамадонийнинг “Рутбат ул - ҳаёт” (Ҳаёт мезони), “Одоби тариқат”, “Коинот ва инсон ҳақида” каби асарларининг ўрни жуда катта. Аллома устози Хожа Юсуф Ҳамадоний таълимотини ўрганиб, шариат аҳкомлари ва суннат ҳамда тасаввуфдаги янгиликларни ривожлантириб, мустаҳкамлашни тарғиб қилган.

3. Хожа Абдулхолик Гиждувоний тасаввуфга доир “Васиятнома”, “Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний”, “Мақсад ас соликин”, “Рисолаи соҳибия”, “Аз гуфтори Хожа Абдулхолик Гиждувоний” (“Хожа Абдулхолик Гиждувоний ҳикматларидан), “Рисолаи шайх уш шуоҳ Ҳазрати Юсуф Ҳамадоний” (“Шайхлар шайхи Ҳазрати Юсуф Ҳамадоний рисоласи”), “Маслак ул- орифин” каби асарлар муаллифидир.

4. Хожа Абдулхолик Гиждувоний тасаввуф таълимотини ривожлантириб, Қуръон ва ҳадисга таяниб, бидъату хурофот, сохта пир-

муридликни қоралаган. Инсониятни ҳалол меҳнат билан кун кечиришга, Аллоҳ берган ризқни бошқалар билан бўлишишни, қалбни Аллоҳга боғлаган ҳолда, қўлни меҳнат билан банд қилиш, ҳалол касб билан яшаб, одамларнинг оғирини енгил қилишни тариқатнинг асосий шарти деб ҳисоблаган. “Даст ба кору, дил ба ёр!” – “Қўлинг ишда, кўнглинг Оллоҳда, бўлсин!” шиори дастлаб Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний томонидан ғоя сифатида илгари сурилган. Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний устози Хожа Юсуф Ҳамадоний таълимотидаги тўрт калимаи қудсияни “Ёдкард” (тил ва дил билан Аллоҳни зикр қилиш), “Бозгашт” (зикр пайтида хотирни паришон қилмаслик ва Оллоҳдан бошқани ёдга келтирмаслик), “Нигоҳдошт” (бир нафасда қалб хузури билан калимаи тоййибани бир неча марта такрорлаш), “Ёддошт” (доимий равишда Аллоҳни ёдда тутиш, қалбни ғафлатдан сақлаш) каби қудсий калималар билан бойитган.

5. Абдулхолиқ Гиждувоний маънавий меросида инсон борлиғи мукаммал ўрганилиб, унинг “Олами акбар”(Катта олам), “Олами асғар”(Кичик олам) деб аталиши фалсафий таҳлил этилган. Гносеология масалаларида дискурсив ва интуитив билиш диалектикаси Ғарб файласуфлари қарашлари билан қиёсий ўрганилиб, Хожаи Жаҳоннинг бу борадаги таълимотининг ўзига хослиги асослаб берилган.

6. Алломанинг маънавий меросида шеърятнинг алоҳида ўрни бўлиб, у ўз даврининг гўзал сўфиёна рубоийнависи сифатида ҳам машҳур бўлган. Рубоийларда Хожагон тариқати қоидалари, мақомлари, одоблари, инсоннинг ўзлигини англаш, жамиятда фаол бўлиш, инсонларнинг ўзаро тотув, уйғун, мурсою мадорада яшаши ва барқарор турмуш тарзини таъминлашдаги ўрни очиқ берилган.

7. Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний тўрт халифаси – Хожа Аҳмад Сиддик, Хожа Авлиёи Кабир, Хожа Сулаймон Карминий, Хожа Ориф Ревгарийни маънавий етук орифлар қилиб тарбиялаган. Абдулхолиқ Гиждувонийнинг издоши, ўзини у кишининг увайсий шогирди деб ҳисоблаган, XIV асрда Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг нуқтаи назаридан қарийб икки аср аввал яхшиликка илму - маърифат билан бориш назарияси орқали ҳаётга ижобий, хайрихоҳ ёндашишни умр маслағи, деб билишни кенг тарғиб этишга қаратилган ғоялари ҳозирги кунда ҳам ўзининг назарий ва амалий аҳамиятини йўқотмаган.

8. Абдулхолиқ Гиждувоний ижтимоий қарашлари марказида шахс эркинлиги, унинг камолоти, давлат ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлиги каби бунёдкор ғоялар ётади. Мутафаккирнинг жамият ҳаётининг турмуш тарзи, объектив шартлари, моддий омиллар ва ижтимоий муҳитнинг бевосита ва билвосита инсон руҳиятига, ижтимоий жараёнга таъсирида фақат бунёдкор ғоялар тараққиётга хизмат қилиши ҳақидаги қарашлари бугунги кун учун ҳам ғоят муҳимдир.

9. Абдулхолиқ Гиждувоний қарашлари замирида аждодларимизнинг асрлар давомида шаклланган жамиятнинг муайян тизимини

барқарорлаштириш ва мустаҳкамлаш замирида инсонлар ўртасида энг аввало, ўзаро ҳурмат ғоялари ётган бўлиб, унда намоён бўлган асосий омил шахнинг эркинлиги, унинг озод ва ҳурфикрлигидир. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асоси бўлган маънавий муҳитни соғломлаштиришда Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳаёти, ҳикматли сўзлари, асарларида илгари сурилган ҳам диний, ҳам дунёвий илмларни уйғунликда ўрганиш услублари кадрлидир.

10. Ғиждувонийнинг бағрикенглик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, ватанпарварлик, эл-юртга садоқат каби қарашларининг моҳиятини бугунги ёшлар онгига сингдирган ҳолда, жисмонан ва маънан соғлом, ҳар қандай таҳдид ва хуружларга қарши маърифат билан кураша оладиган авлодни тарбиялашга эришилади. Алломанинг ҳозирга қадар аҳамиятини йўқотмаган эзгулик, поклик, ҳалолликка даъват этган панд-насихат, ўғит ва ҳикматли сўзлари бугунги кун учун ҳам беқиёс қимматга эгадир. Уларга амал қилган ҳар бир инсон камолот касб этади, комиллик мақомига эришади.

Юқорида келтирилган хулосаларга асосланиб, қуйидаги тавсияларни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланган:

1. Республикамиз Олий таълим тизимидаги ижтимоий-гуманитар, тизимга ихтисослашган олий таълим муассасаларида “Тасаввуф ғносеологияси”, “Илоҳиётшунослик”, “Ислом фалсафаси” каби янги ўқув курсларини ўтишда Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний тасаввуфий таълимотига бағишланган махсус соатларни жорий этиш ва уларнинг дастурларини ишлаб чиқиш.

2. Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси тизимида ўқитиладиган фанлар йўналишига “Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Хожагон тариқати вакиллари” курсини киритиш орқал янги авлод ўқув адабиётларини ва тушунчалар таснифини ишлаб чиқиш. Электрон дарслик ва қомусий луғатлар яратиш.

3. Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Малака ошириш маркази ва унинг ижтимоий филиалларида, диний-маърифий соҳа ходимлари, “Тасаввуф мактаби” тингловчилари ва мударрислар учун ташкил этиладиган малака ошириш курсларида Хожагон тасаввуфий тариқатининг фалсафий моҳияти ва унинг бунёдкор ғояларига бағишланган модуллар ишлаб чиқиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Дин ишлари бўйича қўмитаси ва Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик университети, диний соҳага ихтисослашган таълим муассасалари ҳамкорлигида “Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний тасаввуфий таълимотини тадқиқ этишнинг назарий методологик асослари” мавзусида илмий-назарий анжуманлар ташкил қилиш.

5. Жаҳон қўлёзма фондлари ва кутубхоналарида сақланаётган Хожагон тариқати вакилларида асарлари, бирламчи манбаларни таржима қилиб.

илмий муомалага киритиш борасида халқаро илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда ишлар олиб бориш

6. Маҳаллаларда тарғибот ишларини ташкил этишда Хожагон тасаввуфий тариқатининг илғор ва бунёдкор ғояларидан фойдаланиб, махсус қўлланмалар ва электрон тақдимотлар тайёрлаш;

7. Туризмни ривожлантиришга бағишланган “Хожагонлик-ижтимоий фаоллик таълимоти” ёки “Етти пир” мавзусида қўлланмалар тайёрлаш ва нашр эттириш;

8. Коррупция ҳолатларига чек қўйиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган ҳозирги даврда “Тасаввуф ва нафс тарбияси” мавзусида телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ва давра суҳбатлари ташкил қилиб бориш.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/27.02.2020.F.72.08
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ШАРИПОВА ОЙГУЛ ТУРСУНОВНА

**ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ДУХОВНОГО НАСЛЕДИЯ
АБДУЛХАЛИКА ГИЖДУВАНИ**

09.00.03– История философии

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание ученой степени доктора философских наук (DSc)

Бухара - 2022

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философских наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2022.1.DSc/Fal118.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.buxdu.uz) и на Информационно-образовательном портале "Ziyonet" (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:	Наврузова Гулчехра Нематовна доктор философских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Махмудова Гули Тилабовна доктор философских наук, профессор Каримов Сойимназар Каримович доктор философских наук, профессор Сафарова Нигора Олимовна доктор философских наук, профессор
Ведущая организация:	Ферганский государственный университет

Защита диссертации состоится "23" ноября 2022 г. в "14⁰⁰" часов на заседании Разового научного совета PhD.03/27.02.2020.F.72.08 по присуждению ученых степеней при Бухарском государственном университете. (Адрес: 200114, г.Бухара, ул. М.Икбол, 11. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирован под №204). (Адрес: 200114, г.Бухара, ул. М. Икбол, 11. Тел.: (65) 221-25-87.)

Автореферат диссертации разослан "9" ноября 2022 года.
(Протокол реестра № 28 от 9 ноября 2022 года.)



Саломова Х.Ю.

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философских наук, профессор,

Шарипов А.З.

Учёный секретарь научного совета, по присуждению учёных степеней, доктор философских наук, доцент

Шадманов К.Б.

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор философских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (DSc) доктора философских наук)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Глобализация и информационные атаки по всему миру все чаще выдвигают угрозы и риски против национальной самоидентичности и духовных ценностей под влиянием различных деструктивных идей. В настоящее время, когда такие пороки, как эгоизм, эгоцентризм, пренебрежение жизнью, трудом, семьей, потребительство различными способами внедряются в сознание молодежи, становится необходимым формирование духовно-нравственного облика человечества, нормализация процесса международной культурной трансформации, поднятие на высокий уровень лояльности к общечеловеческим принципам и ценностям, разработка системы духовных ценностей по-новому. С этой точки зрения роль духовного наследия Абдухалика Гиждувани в воспитании совершенного человека, значимость в преобразовании личности и общества, философское значение обеспечения стабильного образа жизни становятся актуальными.

В мировой науке проводятся фундаментальные исследования влияния науки тасаввуф на человеческое совершенство, борьбы с пороками такого универсального характера, как «духовная бедность», синтеза духовного наследия Востока с социально-политической реальностью современности. Становится все более важным раскрыть научные основы таких принципов, как консенсус и толерантность в контексте универсальных культур на основе исследования основных проблем, поставленных в учении тасаввуф. В этом смысле возрастает необходимость исследования важности идей содержащихся в рубаи, статусах тасаввуф, чистоте души, духовном совершенстве, самореализации, взаимной гармонии, консенсусе и компромиссе в наследии Абдухалика Гиждувани в построении просвещенного общества.

В нашей стране проводятся реформы, направленные на повышение интеллектуального и духовного потенциала подрастающего поколения, воспитание в духе национальных и общечеловеческих ценностей, построение народолобящего государства, основанного на духовном наследии великих ученых и мыслителей. «Абдухолик Гиждувани - основатель тариката ходжагон - считается первым из «Семи пиров». В дальнейшем это духовное учение достойно продолжили Ориф Ревгари, Махмуд Фагнави, Али Ромитани, Мухаммад Бобои Самоси, Саййид Амир Кулол, а наивысшей точки развития оно достигло при Бахоуддине Накшбанде, благодаря чему получило название Накшбандия. Сегодня мавзолей семи пиров стремятся посетить паломники не только из соседних стран, государств Западной и Южной Азии, но и со всего мира... - Такого духовного сокровища больше нигде нет. Необходимо глубоко изучить все связанные с ним сведения и довести их до народа, особенно молодежи, доступным языком. Наша цель - пусть молодое поколение знает и гордится этим наследием¹. В частности, при

¹ Шавкат Мирзиёев: мавзолей Абдухолика Гиждувани должен стать центром просвещения/
<https://president.uz/ru/lists/view/2462>

становлении нового духовного пространства важно научно обосновать гармонию таких мирских наук как призыв человека к духовному совершенствованию и духовному возвышению с учетом учения Ходжагон.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы» от 28 января 2022 года, Указе Президента Республики Узбекистан «О мерах по развитию сфер образования и воспитания, и науки в новый период развития Узбекистана» от 6 ноября 2020 года, Постановления Президента Республики Узбекистан ПП-2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» от 24 мая 2017 года, ПП №-3080 «О мерах по организацию Центра исламской культуры в Узбекистане при Кабинете Министров Республики Узбекистан» от 23 июня 2017 года, ПП №4307 «О дополнительных мерах по повышению эффективности духовно-просветительской работы от 3 мая 2019 года, УП №5040 «О мерах по коренному совершенствованию системы духовно-просветительской работы» от 26 марта 2021 года, Постановления № УП-4988 от 11 июля 2017 года «О подготовке и проведении празднования 915-летия со дня рождения Абдулхолика Гиждувани и 700-летия со дня рождения Бахоуддина Накшбанди», а также выполнению других нормативно-правовых документов, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование информационного общества и демократического государства как системы социальных, правовых, экономических инновационных идей и способов их реализации».

Обзор изученности темы данной диссертации на основе зарубежных исследований². За рубежом широко изучаются тасаввуф, научные и моральные учения тасаввуф тарикатов Востока, учения Ходжагон-Накшбандия и Абдухалика Гиждувани. Можно перечислить такие работы как «Тасаввуф учение исламского мира» немецкого востоковеда Аннемари Шimmel и «Мудрость суфиев» российского востоковеда Алексея Хисматулина. В работах ученых из России В. Бартольда и О. Акимовской, ученого по тасаввуф в Иране А. Заринкуб, турецких исследователей У. Турара и Х. Йилмаза, индийского ученого тасаввуфоведа Дж. Субхана по тарикату и учению Ходжагон-Накшбандия анализированы с исторической, культурной философской и филологической точки зрения. Изданные в Париже сборник «Studia Islamica» (1976), в Турции под названием «Накшбандия», сборник «Историческое развитие и современное состояние

² Обзор изученности темы данной диссертации на основе зарубежных исследований подготовлена на основе <https://www.en.hs-furtwangen.de>; <https://www.en.uni-muenchen.de>; <https://www.univ-lille.fr>; <https://www.lse.edu>; <https://www.umich.edu>; <https://www.doshisha.ac.jp>; <https://www.utoronto.edu>; <https://www.cbu.ca>; <https://www.unn.ru>; <http://library.fes.de/>; <https://www.ritsumei.ac.jp/> и других источников.

мусульманского тариката тасаввуф» заслуживает высокого научного признания.

Вопросы влияния суфийских и философских идей восточных мыслителей на развитие философской мысли исследуются ведущими научными центрами мира, в том числе The Islamic Madhahib University (Тегеран), Columbia college Columbia university in the city of New York (АҚШ), Yale university (АҚШ), Санкт-Петербургский институт восточных рукописей. Вопросы определения значения учения Абдухалика Гиждувани в развитии философской мысли в сборнике «Confluence of cultures», изданном в Нью-Дели, опубликованных в сборнике «Мусульманская культура в России и Центральной Азии с XVIII по начало XX веков», изданном в Берлине, а также в сборнике статей «Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования)». Таджикский ученый А. Мухаммадходжаев в своем монографическом исследовании «Идеология Накшбандия» проанализировал становление и прогресс учения Ходжагон-Накшбандия.

В последние годы возрастает интерес к изучению тариката Ходжагон-Накшбандия. В мире проводится ряд исследований по изучению духовного наследия Абдухалика Гиждувани, в том числе по следующим приоритетным направлениям: историческое развитие и современное состояние мусульманского тасаввуф тариката; возникновение и постепенное развитие учения Ходжагон-Накшбандия; процесс формирования учения Ходжагон-Накшбандия; исследование конкретных произведений мыслителя, комментарии к переводам³.

Степень изученности проблемы. В реализации содержания и сущности философского анализа учения тасаввуф в мире исследования А. Кныша, Дж. Тримингэма служат важной методологической основой. Исследования, проведенные такими учеными как Мохаммад Дорошукх, Усмон Турар в области истории тарикатов, географии развития, стали важными в раскрытии генезиса учения Ходжагон. Исследования А. Шиммеля, М. Хотами сосредоточены на научной, религиозной и философской природе тасаввуф, в некоторой степени охватывая аспекты, связанные с этими проблемами в рамках иаемого предмета⁴. В исследованиях Мухаммаджавода Умидворнии,

³ Умидворниё, Мухаммаджавод. Накшбандийлик ва унинг Марказий Осиё ва Хитойдаги таъсири (форс тилида) // Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари. – Техрон. 1373/1994. кузи, №6. – Б.78-86.; Самона Ҳажорпур Халаж. Накшбандиянинг пайдо бўлган пайтидан то Темурийлар ҳукмронлигигача бўлган даврдаги тараққиётлари ва таназзуллари. 2014 йил 6 июнь. (форс тилида) // <http://rasekhoon.net/article/show/904502>; Ялдо Озрамий, Нажаф Жавкор. Ҳижрий XII–XIII асрларда Мовароуннаҳрдаги накшбандия сўфийлик дарахтининг йўқолган шохини излаб (форс тилида) // Форсий адабиёт. -№2 (119). 1396/2017. кузи ва киши. – Б. 117–130; Акбар Рошидийниё. Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг тарикат силсиласи ва накшбандия тарикати (форс тилида) // Гавҳари гўё. 1397/2018. баҳори. - №1(36). – Б. 73–88. Марзия Роғибиён, Мухаммадризо Муваҳхидий. Абдулхалиқ Гиждувонийнинг ирфоний қарашлари (хожагон тарикати асосчиси васиятномасининг матншунослик тадқиқи ва таҳлили) (форс тилида) // Адабиёт тарихи. – Техрон, 1397/2018 йил (куз-киш), - №2. – Б. 55–76.

⁴Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. – Москва, С.П: Диля, 2004; Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе / пер. с англ. А.А. Ставиской, под ред. и предисл. О.Ф. Акимушкина. – М.: «София», ИД «Гелиос», 2002. – С. 90–91.; Султон Мухаммад Дорошукх. Сафинат ал-авлиё (на перс. яз.). Тошбосма нашр. – Лакҳнав: Мунший Навал Кишур матбааси, 1862. – С. 76.; Турар Усмон. Тасаввуф тарихи [История суфизма]. – Т.: «Истиклол», 1999. – 180 б; Шиммель А. Мир исламского мистицизма / пер. с англ. Н. И. Пригариной, А.

Самоны Хаджорпур Халадж, Ялдо Озрами, Акбара Рошидиниё и Марзии Рогибийон были высказаны мнения о возникновении и распространении тариката Ходжагон-Накшбандия, некоторых аспектах учения этого тариката⁵.

Исследования, проведенные в странах Содружества Независимых Государств В. Бартольдом, Э. Бертельсом, М. Степанянцем, А. Акимушкиным, А. Хисматулиным, приобрели историческое значение в раскрытии места научного наследия Абдулхалика Гиждувани в учении тасаввуф⁶.

Целесообразно подчеркнуть, что научные работы осуществленные в нашей стране И. Муминовым, М. Балтаевым, Н. Камиловым, Р. Шадиёвым, Г. Назаровым, Г. Наврузовой, С. Каримовым, Х. Саломовой, Б. Намозовым, Н. Сафаровой, Х. Рахматовой, Г. Юнусовой посвящены философским особенностям учения тасаввуф, социально-философскому значению, теоретическим и методологическим вопросам тариката Хожагон-Накшбандия⁷. О. Осман, М. Хасани, С. Сайфулла и шейх Мохаммед Садик Мухаммад Юсуф, К. Рахимов в своих исследованиях привели различные уровни информации и анализа об основах учения Ходжагон-Накшбандия, включая одиннадцать рашха⁸.

